

Ҳикмат

Ҳақиқат тиканли гулга ўхшайди, ҳидлашни билмаганларнинг бурнига санчилади.

Янги сон

«Театр» — Сизнинг журналингиз

Илк саҳифада Юртбошимиз И. Каримовнинг Қорақалпоғистон маданияти кунлари қатнашчиларига йўллаган табриги эълон қилинган ҳамда Президентимизнинг Қорақалпоғистон Республикаси маданияти ҳодимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги Фармони ҳам ўрин олган. «Маънавий дунёмиз баркамол бўлсин», «Қорақалпоқ байрами шодиёналарини», «Санъат ва маданият — дўстлик ва тинчлик элчиси», «Тўйга тўёна билан», «Айқулаш» тошкентликлар меҳмони ва бошқа мақолаларда қорақалпоғистонлик санъаткорларнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида сўз юритилган.

Ушбу сонда зукко журнал-хонларимиз истеъдодли актриса Муътабар Ёриева ҳақидаги «Ойдин эрур унинг йўллари» мақоласи, Афзал Рафиқов, Ҳабибулла Абдуллаев каби иқтидорли актёрлар билан бўлган суҳбатлардан ҳам воқиф бўладилар. Ҳар галгидек, журналда қизиқ-қизиқ латифа-ю, ҳангомалар, бошқотирмалар, премьералар ҳам берилган бўлиб, улар муштарийларимизга манзур бўлади, деган умид-дамиз.

Мана, янги XXI асрга қадам қўйдик. «Ўзбек миллий театри XXI аср бугасида» сарлавҳали мақолада ўзбек театри тарихи, унга тамал тошини қўйган санъаткорлар ҳақида маълумотлар берилган. Кейинги кўшсаҳифаларда эса Самарқандда ўтказилган республика кўтирок театrlарининг фестивали ҳуусидаги хабарлар, лавҳалар ва фикр-мулохазаларга кенг ўрин берилган.

Еднома рукин остида берил-



Киш совуғи писанд эмас

Ҳазорасликлар янги йилни маданият ва истироҳат боғи барпо этиш билан бошлашди. Янги оромгоҳнинг 1,7 гектар майдонига беш юз туздан зиёд киш совуғини ҳам писанд қилмайдиган манзарали дарахт қўчатлари экилди. Боғ ҳудудлари ободонлаштирилди.

Меҳнат фахрийлари бошлаб берган эзу талбирни ёшлар давом эттиришмоқда. Туманнинг кўплаб қурилиш ва бошқа ташкилотлари ҳашарда иштирок қилишяпти.

Кўшабар

Совғага — компьютер

Вилоят марказидан анча олисда — Тупроққалъа мавзесида жойлашган ўқув-тарбия муассасаларини ҳомий ташкилотлар унутиб қўйишга тўғри йўқ. Ҳамид Олимжон номли мактаб ёшлари яқинда вилоят нефть маҳсулотлари билан таъминлаш бошқармаси ва «Экосан» жамғармаси вилоят бўлими-дан совғалар олишди. Замонавий компьютер ҳамда спорт анжумалари уларнинг қувончларини оширди.

Сотим АБАЗ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Ўзбекистон Очиқ Жамият Институтини Кўмак Жамғармаси

“Санъат ва маданият” дастури доирасида “Ижодий бадий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш учун кичик грантлар” танловини эълон қилади

Танлов мақсади — Ўзбекистонда ижодкор зиёлиларни, айниқса, иқтидорли ёшларни ҳамда кичик, нодавлат, бадий бирлашмаларнинг мустақил ижодий ташаббусларини қўллаб-қувватлаш.

Танлов ғолиблари ўзлари таклиф этган ва қиймати 100 дан 4000 АҚШ доллари-гача (Ўзбекистон Марказий банкининг тўлов вақтидаги курси бўйича сўмда белгиланади) бўлган, қисқа муддатга мўлжалланган (2001 йил давомида) шахсий ёки жамоа лойиҳалари шаклидаги бадий ғояларни амалга ошириш имконига эга бўладилар.

Танловга тақдим этилиши мумкин бўлган бадий лойиҳалар қуйидагича бўлиши мумкин:

- Бадий кўргазма;
- Муаллифлик концерти, мусиқа-чи ёки камер оркестрининг туркум концертлари;
- Мустақил режиссёр томонидан спектакл саҳналаштирилиши;
- Қисқа метражли видеофильмни суратга олиш;
- Санъатшунослик семинари ёки конференциясини ўтказиш;
- Янги музей экспозициясини ташкил этиш;
- Бошқа ижодий ташаббуслар.

Юқоридаги талбирлар санъатнинг замонавий, шунингдек, анъанавий турлари (халқ амалий санъати, бадий ҳунармандчилик)ни ўз ичига олади.

Лойиҳалар қуйидаги мезонлар асосида танлаб олинади:

- Фикрнинг янгилиги ва ўзига хослиги;
- Мустақил (муқобил) бадий ғоя, бадий (санъатшунослик) концепциясининг мавжудлиги; бадий тажриба;
- Қўйилган вазибаларни ҳал этишнинг юқори бадий савияси;
- Инсонпарвар, умуминсоний ва миллий ғоялар ҳамда уларни татбиқ этиш шакллари-нинг мавжудлиги;
- Очиқ жамиятнинг асосий ғоялари ва тамойилларига мувофиқлиги.

Бюджети ҳаққоний ифодаланган ва бошқа донорлар томонидан ҳам маблағ билан таъминланган лойиҳалар рағбатлантирилади. Совға ва мукофотлар тўлови кўзда тутилмаган. Ҳар бир мурожаат қилувчидан фақат бир лойиҳа қабул қилинади.

Тижорат мақсадларини кўзлаган, зўравонлик, жаҳолат, миллатлараро адоват кўзгатувчи, ихтилоф ва бошқа шунга ўхшаш ғояларни тарғиб этувчи лойиҳалар танловга қабул қилинмайди.

Танловда қатнашиш учун Очиқ Жамият Институтини Кўмак Жамғармасига қуйидаги ариза ва ҳужжатлар (ўзбек ёхуд рус тилларида) тақдим этилиши лозим:

Лойиҳанинг ғояси ва асосий параметрлари (иштирокчилари, тартиби, ўтказиш муддатлари ва жойи, календарь-режа, батафсил бюджет, қўйлаётган натижалар ва ҳ.к.) асослаб берилган қисқача (5 ыарақдан кўп бўлмаган босма ҳарфларда терилган матн) баёни;

- Мурожаат қилувчи (лоиҳа раҳбари) ва иштирокчилар тўғрисидаги маълумотлар: ижодий таржимаи ҳол, алоқа телефони ва манзиллари, расмий ҳужжатлар (паспортнинг дастлабки бетлари, дипломлар, гувоҳномалар, патентлар, хоҳиш бўйича бошқа расмий ҳужжатлар) нусхалари;
- Ижод намуналари (слайдлар, асар нусхалари, аудио ва видеоматериаллар, оригиналлар ва ҳ.к.);
- Ижоди ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали ёритилган фикрлар, илмий талқиқотлари ва ҳ.к.;
- Мурожаат қилувчига санъатшунослик фаолиятига тегишли кишиларнинг тавсиянома хатлари (бир ёки иккита).

Буюртмаларни қабул қилиш мазкур эълон газетда чиқиши билан бошланади. Буюртмаларни қабул қилишнинг охириги куни — 2001 йил 1 март. Лойиҳалар Ўзбекистон Очиқ Жамият Институтини Кўмак Жамғармасининг “Санъат ва маданият” дастури Эксперт қўмитаси ва республиканинг мустақил санъатшунослари томонидан кўриб чиқилади. Танлов натижалари март ойининг охирида эълон қилинади.

Барча қўшимча саволлар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкент, 700031, Зарбоғ (собиқ Роза Люксембург) кўчаси, 31,
Ўзбекистон Очиқ Жамият Институтини Кўмак Жамғармаси.

Тел.: (998 71) 152-36-98; 152-39-15; 152-39-16. Факс: (998 71) 120-68-54.

Электрон почта: aleks@osi.uz

“Санъат ва маданият” дастури мувофиқлаштирувчиси Александр Жумаев

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

«XXI АСР»

деб аталган қисқа муддатли омонатни таклиф этади

ва омонатни сақлаш муддати 2001 йилнинг 5 мартигача узайтирилганлиги ҳамда фоиз ставкаси йилига 60% қилиб ўзгартирилганлиги ҳақида хабар беради (фоизлар ҳар ойда капиталлаштирилади).

Омонатга пул 2001 йил 5 февралгача қабул қилинади.

Айни пайтда банк қуйидаги омонатларни ҳам таклиф этади:

«Сўм карточкаси» омонати (пластик карточка қўлланадиган) сўм карточкаси эгаларига ҳаёт ва саломатлиқни беғул сўғурталаш имконини беради

— йилига 36% фойда тўланади, ҳар ойда талаб қилиб олинмаган фоизлар капиталлаштирилиши натижасида фойда йилига 42,6%ни ташкил этади.

«Таътил» омонати (талаб қилиб олинмаган ҳисобварақларга доир шартномалар ўз-ўзидан давом эттириладиган, 3 ой муддатли).

— йилига 36%, ҳар ойда капиталлаштирилганида йилига - 42,6%

«Оқсоқол», «Меҳрибон она» (1 йил муддатли)

— йилига 25%

«Тўёна» (2 йил муддатли)

— йилига 30%

«Сарпо» (3 йил муддатли)

— йилига 31%

«Келажак» (камида 5 йил муддатли)

— йилига 24%

(МБнинг қайта молиялаш ставкаси бўйича).

«Муддатли» (5 йил муддатли)

— йилига 40%

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки — пулларингиз даромадлиги ва сақлашига кафил!



Қўшимча маълумотларни Сиз (998 71) 137-62-83, 137-62-81 рақамли телефонлар орқали ёки «Ўзмиллийбанк»нинг исталган бўлим ва филиалидан олишингиз мумкин.

Жумбоқ

Дилбар исмли қизалоқ тўққизинчи қаватда яшайди. У ҳар куни эрталаб мактабга кетишда биринчи қаватгача лифтда тушади. Мактабдан қайтишда эса... олтинчи қаватгача лифтда чиқади, сўнг тўққизинчи қаватга зина орқали кўтарилади. Сиз қандай ўйлайсиз: қизалоқ нима учун шундай қилади?

Кечаги жумбоқнинг жавоби: бир соғи билан рақамланган жонзот, яъни ўласахўр қўш.



Бу ҳақда тахририятимизга ҳоразмлик Фарид Матқубова билан Зулхумор Бекмонова биринчи бўлиб телефон орқали тўғри жавоб беришди.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:

Аббосхон

УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

Э. БОЛИЕВ
(масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ
(масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ
(бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ҳ. ҚОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
Иқтисодиёт — 136-36-65;
Маънавият ва маърифат — 132-10-65;
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-35-60;
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89;
Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 133-07-48;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-12-08;
Котибият — 132-11-15;
Эълонлар — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001

Буюртма Г — 716, 30797 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II компьютерда терилди ҳамда оператор Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — Г. ЙЎЛДОШЕВА.
Навбатчи — Ҳ. ҚАРИМОВ.
Мусаххас — Ш. МАШРАБОВЕВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қўғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
топирилади — 20.30
1 2 3 4 5 6

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 ноябрдаги 444-сонли Қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Тошкент шаҳар Пенсия жамғармаси 2001 йил 1 январдан бошлаб тугатилди. ОКПО коди 15146258.
Даволат эълон босилиб чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида қуйидаги манзилгоҳда қабул қилинади: Тошкент шаҳари, Беруний кўчаси. 12-уй.

Ўзбекистон Халқаро экспедиторлар уюшмаси жамоаси уюшманинг бош му-тахассиси Ш. О. Бўтаева волидан муҳта-рамаси
Санобар ая МАНСУРОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент Ирригация ва кишлққ ҳўжалигини ме-ханизациялаш инженерлари институти жамоаси «Маъ-навият ва маърифат маркази» директори, фалсафа фан-лари доктори, профессор Жуманиёз Раматовга отаси Султон ота РАМАТОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия из-ҳор этади.